



СЕРВИС

№3

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ**

2022



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2022 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика
қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева Глобаллашув жараёнида дунё аҳолисининг таркибий тузилиши ва ўзгариш жараёнлари	5
Бобур Фарходович Боронов Миллий иқтисодиётда ёғ-мой саноатининг ўрни ва уни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари	12
Умид Холбоевич Холбоев Корхоналарда рақобатбардошлик муҳитини ошириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар услубий таҳлили	18
Хуршида Абдумаликовна Қоржавова Ижтимоий хизматларнинг моҳияти, мазмуни ва уни ривожлантиришга назарий ёндашувлар	21
Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Агросервис корхоналарида ташкилий-иқтисодий механизмнинг моҳияти	25
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Шавкат Собирович Олтаев Инновацион ривожланишда рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти	28
Мадина Шайманкуловна Хушмуродова Особенности развития электронной торговли в условиях цифровой экономики	31
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Феруз Нематуллаевич Абилов Аграр соҳада агросервис хизматларини такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги	36
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Ўғилой Тожибоевна Муқимова, Умар Худайбердиев, Бугунги кунда чакана савдо соҳасида юзага келаётган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари	42
Фарход Набиев, Зулфизар Жаманкулова Давлат хизматлари самарадорлигини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни	45
Фарход Анварович Сафаров Иқтисодиётда хизматлар турлари ва шакллари таснифлашда тизимли ёндашув	48
Фаррух Тохирович Шукуров Электрон тижорат моҳияти ва шакллари	52
Фаррух Эргаш ўғли Қодиров Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг келгуси ҳолатини башоратлаш	56
Тамила Исметовна Мусрединова Разработка стратегии продвижения продукции и услуг на внешние рынки	59
Обид Мамаюнусович Пардаев Мамлакатимизнинг ичимлик суви ресурсларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари	65
Нигина Маруповна Усманова Китоб савдосини такомиллаштиришда танлов механизмини жорий қилиш	69

Гулнарахан Хожаниязовна Утемуратова Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ривожланишида кластер ёндашуви	74
Мурод Максудович Паязов Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорт хизматлари соҳаси фаолиятининг замонавий ҳолати ва тенденциялари	79
Азиза Махомадризовна Каримова Зарубежный опыт и практика банковского кредитования предпринимательских субъектов сферы услуг	85
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Дилбар Хасановна Асланова, Мадина Мурадхановна Ҳашимова Чет эл тажрибаси асосида экотуристтик ресурслардан оптимал фойдаланиш имкониятлари	89
Матлубахон Абдиманабовна Куймуратова Туризмни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва туристик хизматларни Фарғона водийси худудида диверсификация қилиш истиқболлари	94
Зульфия Иззатовна Абдуллаева Зарубежный опыт развития гостиничного бизнеса и внедрение возможностей в Республике Узбекистан	99
Акбаржан Сабиржанович Мадаханов, Фарход Умирзакович Турсунов, Хилола Муминовна Сапиоҳунова Хонобод туристик-соғломлаштириш дестинацияларини шакллантиришда Сайид Фозилмон Деҳлавий зиёратгоҳининг аҳамияти	104
Ортиқ Каюмович Хуррамов Рақамли туризм – рақамли трансформациянинг муҳим тенденцияси сифатида	108
Нозима Улмасовна Урунова Туризм, рекреация, бўш вақт ва дам олишнинг назарий асослари	112
Shovqiddin Erkin o‘g‘li Abdurasulov Turizm sohasida ekologik turizmning ijobiy va salbiy jihatlari	116
Nodirjon Abduxalil o‘g‘li Xoliqov Diniy ziyorat marshrutlarining turizmni barqaror rivojlantirishdagi ahamiyati	119
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Гулнора Мардиевна Шадиева Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни	124
Акмал Абдувалиевич Абдусаидов Хусусий бандлик хизмати фаолиятини ривожлантириш шарт-шароитлари ва йўналишлари	129
Лайли Бахтиёровна Навруз-зода Тадбиркорлик қобилиятини муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) асосида баҳолаш услубиёти	135
Лазиз Ниёзович Худоёров, Номозали Ҳамдамович Узақов Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишини панел маълумотларидан фойдаланиб эконометрик моделлаштириш	139
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Нафиса Самиддиновна Тошназарова Ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий бошқарув ва унинг вазифалари	143

МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Абдумалик Бектемиров Корхоналарнинг молиявий самарадорлигини таъминлашда молиявий левереджи эффективни аниқлаш усулидан фойдаланиш	147
Бобуршоҳ Боходир ўғли Ибрагимов Солиқ маъмуриятчилиги ва уни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари	150
Абдулла Бахтиёрович Каландаров Банклардаги муаммоли кредитларнинг амалдаги ҳолати	155
Меҳрож Сирожонович Хамроев Нарпай туманида суғурта хизматларини бошқариш стратегияси	159
Маҳлиё Исламовна Диярова Уй хўжаликлари томонидан жамғармаларни инвестицияларга жалб этишда бюджетларни тутган ўрни	163
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Комил Бахрамович Уразов, Эркин Джамалдинович Муйдинов Асосий воситаларга доир молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: таснифи, таркиби, мақсади ва амалиётда қўллаш доиралари (1-мақола)	169
Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида рентабелликни оширишнинг ички имкониятлари ва уларни таҳлил қилиш йўллари	173
Sherzod Egamberdiyevich Sindarov Oliy ta’lim tizimida buxgalteriya hisobini tashkil etish xususiyatlari	178
Ирода Раимқуловна Бердиқулова Туризм комплексларида молиявий натижалар кўрсаткичлари таснифи, тавсифи ва шаклланиш хусусиятлари	185
Одилбек Эгамберди ўғли Худойбердиев Дебиторлик қарзи – қопламаларга бўлган ҳуқуқ: тавсифи ва тан олиш масалалари	188
Жамшидбек Ахмад ўғли Абдурасулов Корхоналарни қайта ташкил этиш жараёнлари аудити: моҳияти, шакллари, амалга ошириш тартиблари	192
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Қулмамат Джанзакович Мирзаев Таълим жараёнидаги кредит-модуль тизимининг республикада ривожлантириш имкониятлари	197
Санжар Рашидович Адизов Келажак университети моделлари: университет 4.0 келажак университети сифатида	200
Беҳзод Раҳматуллаевич Раҳматуллаев Оила фаровонлигини таъминлашда Шарқ мутафаккирларининг иқтисодий тарбияга оид қарашлари	206
Ҳилола Нематовна Очилова. Олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг инновацион йўллари	211
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
КАЪБА ернинг маркази. Дўстликнинг 30 та ҳаққи	217
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Вақт ҳақида. Қабр азобидан нажот берувчи амаллар	218

5. Тураев Б.Х., Мадаханов А.С., Тухтабоев И.И. Чевар табиат, эзгуликка интилиб яшаётган инсонларнинг меҳри ва меҳнати билан яралган шаҳар. // Буюк Ипак йўли чорраҳаларида зиёрат туризми Ренессанси. Халқаро илмий-амалий анжуман маърузаларининг тўплами. Самарқанд давлат университети. 24-25 май 2019 йил., 70-75 б.
6. Тухлиев И.С. Марказий Осиёда туризмни ривожлантиришнинг тарихий-хронологик асослари // Сервис. 2021. № 2., Илмий-амалий журнал. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти. 106-111 б.
7. Шукуров С. Хонобод-город у моря. <https://centrasia.org/newsA.php?st>.
8. Fozilmon Ota ziyoratgohi/<https://meros.uz/obyekt/fozilmon-ota-...>
9. Хонобод шаҳар “Афсона” оилавий дам олиш маскани [https://mobile.ok.ru > video](https://mobile.ok.ru/video)
10. Хошимов М.А., Ўзбекистон экологик туризми. Самарқанд. “Зарафшон”. 2009., 10 б.

<p>А.Мадаханов, Ф.Турсунов, Х.Сапиохунова Роль святылища Сайид Фазилмон Дехлави в формировании туристическо-оздоровительных направлений в Ханабада</p> <p>Аннотация: в статье обращается особое внимание на основные моменты развития паломнического туризма. Приведены основные направления эффективного использования современных маркетинговых инструментов в управлении формируемых туристских направлений в развитии паломнического туризма.</p> <p>Ключевые слова: туризм, рекреация, паломнический туризм, диверсификация услуг, дестинация, дестинационный менеджмент, туристский поток, инфраструктура туризма, культурное наследие.</p>	<p>A.Madakhonov, F.Tursunov, H.Sapiohonova The role of the sanctuary of Sayyid Fazilmon Dehlavi in the formation of tourist and recreational destinations in Khanabad</p> <p>Abstract: The article focuses on the main points of the development of pilgrim tourism. The main directions of the effective use of modern marketing tools in the management of the formed tourist destinations in the development of pilgrim tourism are given.</p> <p>Keywords: tourism, recreation, pilgrim tourism, diversification of services, destination, destination management, tourist flow, tourism infrastructure, cultural heritage.</p>
--	--

Ортик Каюмович Хуррамов – БухДУ, “Сервис соҳаси иқтисодиёти” кафедраси доценти

РАҚАМЛИ ТУРИЗМ - РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ МУҲИМ ТЕНДЕНЦИЯСИ СИФАТИДА

<p>Аннотация: мақолада рақамли туризм - рақамли трансформациянинг муҳим тенденцияси сифатида намоён бўлиши тўғрисида фикрлар баён этилган. Унда мавзуга оид адабиётлар таҳлили билан биргаликда муаллифнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва хулосалари берилган.</p> <p>Калит сўзлар: туризм, рақамли туризм, илғор ахборот технологиялари, телекоммуникацион тизимлар, рақамли трансформация.</p>

Кириш. Ҳозирги босқичда глобал туризм индустриясининг ривожланиш тенденцияларидан бири Интернет технологияларининг ривожланиши, бошқача айтганда, туризмнинг замонавий ривожланиши рақамли иқтисодиётда кечмоқда. Яъни дунё бўйича рақамлаштириш жараёни барча соҳалар каби туризм соҳасини четлаб ўтмади. Туризмда рақамлаштириш сайёҳлик бизнесини нафақат замонамизнинг вокеларига мослашувчан, балки ривожланаётган "рақамли дунё"да янада рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Меҳмондўстлик саноатини рақамлаштириш миқдорлар яхши натижаларга эришиши ва туристик компанияларнинг эгалари юқори даромад олишлари мумкин бўлган вазиятни таъминлашга ёрдам беради.

Аввало, рақамли туризм деганда туризм фаолиятини илғор ахборот технологиялари ва телекоммуникацион тизимлар орқали амалга оширишга айтилади. Рақамли туризм саёҳатчиларга саёҳатдан олдин, саёҳат давомида ва ундан кейин тақдим этиладиган электрон хизматлар мажмуасидир.

Ҳозирги кунда анъанавий сайёҳлик саноатини рақамли туризм индустриясига «алмаштириш» тенденцияси намоён бўлмоқда. Рақамли туризм нафақат пулни, балки

асабни ва қимматли вақтингизни тежашнинг ажойиб усулидир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Соҳа мутахассислари томонидан рақамли туризмни илғор ахборот технологиялари ва телекоммуникацион тизимлар ривожига орқали кундан кунга кенг оммалашиб бориши эътироф этиб келинмоқда.

Жумладан, Дуррант А. ва бошқалар(2011) тадқиқотларида рақамли туризмни музейлар, қишлоқ жойлари, ҳайвонот боғлари ва тематик боғлар каби турли йўналишларда қўлланилиш афзалликларига эътибор қаратишган[1].

Бенён Д. ва бошқалар (2014) тадқиқотларида рақамли туризмнинг маъносига эътибор қаратиб, уни рақамли воситалар орқали туризм тажрибасини қўллаб-қувватлаш деб таъкидлашган. Рақамли туризм - бу ахборот-коммуникация воситаси, IT-ечим туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берадиган ва туризм соҳасида ташкилотлар ва корхоналарнинг рақобатдошлигини оширадиган воситадан фойдаланишни англатади[2].

Рақамли туризм бўйича етук мутахассислардан бири Буюк Британия Борнмут университети профессори Дмитриос Бухалис бўлиб, у рақамли туризмни электрон туризм, смарт туризм атамалари билан бир хил эканини таъкидлаб, электрон туризм бу ташкилотларга туризм, саёҳат, меҳмондўстлик ва умумий овқатланиш соҳаларидаги самарадорликни оширишга имкон берадиган барча жараён ва хизмат занжирларини рақамлаштиришдир, деб таъкидлаган[3].

Электрон туризмнинг моҳияти шундаки, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш туризмнинг барча соҳаларида учрайди. Электрон туризм электрон тижоратнинг бир тури сифатида, шунингдек, маҳсулот ва хизматларни электрон тизим орқали сотиш билан шуғулланадиган соҳадир[4]. Электрон тижорат сингари, у электрон маълумотларни узатиш, тарқатишни бошқариш, электрон маркетинг, онлайн транзакциялар, электрон маълумотлар алмашинуви, бошқарув тизимлари ва маълумотларни автоматлаштирилган бошқаришни ҳам ўз ичига олади[5]. Ҳозирги вақтда рақамлаштириш ҳаётнинг барча соҳаларида ривожланмоқда. Бухалис ва Жун (2011) маълумотларига кўра, рақамли туризм рақамли воситалар ва техникаларнинг пайдо бўлиши туфайли туризмда парадигма ўзгариши ҳисобланади[6].

Ушбу соҳага оид адабиётлар таҳлили натижасида, фикримизча рақамли туризм деганда саёҳатни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва ундан баҳра олиш жараёнларида рақамли воситалардан фойдаланиш бўлиб, бунда саёҳатчиларга саёҳатдан олдин, саёҳат давомида ва ундан кейин тақдим этиладиган электрон хизматлар мажмуаси муҳим аҳамият касб этади[7].

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот томонидан қўлланилган методология мавзуга оид адабиётларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилишга асосланди. Бунда интеграциялашган адабиётларни кўриб чиқиш усулидан фойдаландик. Тадқиқот давомида иқтисодиёт соҳаларининг рақамлашуви, рақамли туризм, электрон туризмга эътибор қаратган ҳолда олдин олиб борилган ва ҳозирда олиб борилаётган тадқиқотлар ўрганилди. Ушбу соҳани ўрганишга бағишланган маърузалар, конференция материаллари, Интернет нашрлари ва журналлар, шунингдек мавзу бўйича янги адабиётлар ва истиқболли лойиҳа маълумотлари ўрганилиб, таҳлил, синтез, танқидий фикрлаш, умумлаштириш каби усуллар қўлланилди.


Таҳлил ва натижалар. Туризм саноатининг ҳозирги ҳолати кўп жиҳатдан Интернет тармоғига уланиш, тармоқ орқали тақдим этиладиган электрон транзакциялар ва хизматларга боғлиқ, шу муносабат билан рақамли ечимлардан фойдаланишни кенгайтириш сайёҳлик корхоналарини бизнес эҳтиёжларига мослаштириш учун зарур шартдир.

Шунга ўхшаш вазият иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам содир бўлаётганлиги аниқ, аммо шуни таъкидлаш керакки, бу туристик индустрия турли воситачилик схемалари билан ажралиб туради, шунинг учун бу ерда Интернет технологияларидан фойдаланиш зарурати ортиб бормоқда.

“Internet live stats” маълумотида кўра, бугунги кунда дунёда қарийб 5,3 миллиард

киши Интернет-ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга. Улар томонидан бир кунда 178 миллиарддан ортиқ электрон хатлар юборилмоқда, 5,5 миллиарддан ортиқ гугл орқали қидирувлар амалга оширилмоқда, 549,5 миллиондан ортиқ хабар твиттер орқали жўнатилмоқда, 5,2 миллиарддан ортиқ видео ютуб орқали томоша қилинмоқда, 63,7 миллиондан ортиқ расмлар инстаграм орқали юклаб олинмоқда ва эътиборли жиҳати бу рақамлар кун сайин янада ортиб бормоқда[8]. Шу билан бирга, Интернет фойдаланувчилари турли ёшдаги, турлича даромадли ва ижтимоий мавқега эга бўлган одамлардир. Шуниси қизиқки, Интернет ресурсларидан фаол фойдаланувчилар орасида ҳар йили ижтимоий тармоқларда мулоқот қиладиган ва маълумот қидириш учун Интернетдан фойдаланадиган кекса одамлар кўпайиб бормоқда.

Туристик бизнесни рақамлаштириш шароитида мижоз ўзи маълум бир тур ҳақида маълумот қидиради, маълум бир компанияни танлайди ва хизматларнинг нархларини таққослайди. Жараён мижозга ўзи ёқтирган турни сотиб олиш билан яқунланади ва хизматлар унга кечаю кундуз тақдим этилади, бу эса хизмат сифатини яхшилади ва мижознинг қониқишини оширади. Эътибор беринг, рақамли имкониятлар доимий равишда кенгайиб бормоқда ва ундан фойдаланиш имконияти ошмоқда.



1-расм. Турли даражадаги рақамли туризмнинг ўзаро боғлиқлик концептуал модели[9].

Рақамли туризмнинг асосий йўналишларидан бири булутли технологиялардан фойдаланиш бўлиб, сайёҳлик компанияларида булутли технологияларнинг қўлланилиши, барча иловаларнинг онлайн режимида ишлашига боғлиқ бўлишидир. Бунда маълумотларни чексиз сақлаш ҳажми, тизимларга хизмат кўрсатиш ва дастурий таъминотни янгилаш, бошқарув реал вақт режимида амалга оширилади. Бошқача айтганда, сайёҳлик компаниялари учун булутли технологиялар бу бошқарув технологияларига эмас, балки мижозларга кўпроқ эътибор қаратадиган воситадир, компаниялар қўшимча ресурсларга ёки офис ва ходимларнинг кўп сонини ижарага олишга муҳтож бўлишмайди.

Рақамли туризмнинг яна бир ёрқин мисоли бу ҳозирги кунда кўплаб саёҳатчилар мобил қурилмалардан фаол фойдаланувчига айланишидир. Шу муносабат билан, мобил алоқа, бир томондан, саёҳатлар пайтида мижозларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларига зудлик билан жавоб беришга имкон беради, бошқа томондан, компанияларнинг офисларга мижозларнинг ташрифлари сонининг камайиши ва шунга мос равишда сайёҳлик агентликларининг маслаҳат хизматларига талабни камайишига олиб келади.

Сайёҳлик бизнесида мобил технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасида шахсийлаштириш, сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорликнинг инновацион моделларини шакллантириш ва туристик хушудларнинг инфратузилмасини янада ривожлантиришдир. Мобил иловалардан фойдаланган ҳолда, компаниялар мижозлар билан боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги, уларнинг жойлашуви, харажатлари, афзалликлари, дўстлари каби маркетинг тадқиқотлари ва мижозлар сегментацияси учун зарур бўладиган маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиши осонлашади. Рақамли туризм ақлли соатлар, геолокацияли билакузуклар, виртуал ҳақиқат кўзойнаклари, чипталарни тўлаш учун мобил иловалар, электрон чипталарнинг пайдо бўлиши билан янада ривожланмоқда.

Рақамли туризм ривожига ижтимоий тармоқларнинг ўрни ҳам бекиёсдир. Улар ёрдамида замонавий туристик корхоналар янги бозорларни аниқлаш, сайёҳлик брендларини тараққий этиш имкониятига эга бўлиб, ўз мижозлари, потенциал мижозлари билан алоқа ўрнатиш имкониятига ва улар билан ишончли муносабатларни ўрнатишга эришишмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Рақамли туризм технологияга асосланган қидирувлар асосида саёҳат тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги ва хилма-хиллиги, айнан бир дестинация ҳақида ундан фойдаланганларнинг фикр-мулоҳазалари, фото сурат ва видео роликлари ўша манзилни танлаш ёки танламасликка қарор қабул қилишга, режалаштиришга ҳамда уни амалга оширишга ёрдам беради.

Сайёҳлик соҳаси учун рақамли трансформациянинг афзалликларига сайёҳнинг дам олиш ва саёҳат жойлари тўғрисида батафсил маълумот бериш орқали билимларини ошириш, оқилона тўлов механизмларининг мавжудлиги ва мижоз ўзи томонидан истеъмол қилинган хизматлар учун тўловларни тез ва қулай амалга ошириш имкониятларини санаб ўтишимиз мумкин.

Шундай қилиб, туризм соҳасида рақамли трансформациянинг муҳим тенденциялари пайдо бўлди ва ушбу технологияларнинг туризм маҳсулотлари ва хизматларига интеграцияси рақамли туризмга олиб борадиган инновацион жараённинг асосий элементидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Durrant A, Golembewski M, Kirk D, Benford S, Fischer J, Rowland D, McAuley D (2011a) Automics: souvenir generating photo ware for theme parks. In: Proceedings of the 2011 annual conference on Human factors in computing systems (CHI '11). ACM, New York, pp 1767–1776
2. Benyon, D., Quigley, A., O'Keefe, B., & Riva, G. (2014). Presence and digital tourism. *AI & society*, 29(4), 521-529.
3. Buhalis, D. (2003): *eTourism: Information technology for strategic tourism management*, Pearson (Financial Times/Prentice Hall), London ISBN 0582357403.
4. Buhalis, D., & Jun, S. H. (2011). E-tourism. *Contemporary tourism reviews*, 1, 2-38.
5. Buhalis, D., & Licata, M. C. (2002). The future eTourism intermediaries. *Tourism management*, 23(3), 207-220.
6. Buhalis, D., Leung, D., & Law, R. (2011). eTourism: critical information and communication technologies for tourism destinations. *Destination marketing and management: Theories and applications, 2011*, 205-224.
7. Xurramov O.K. Raqamli turizm. Darslik. Buxoro: “Sadridin Salim Buxoriy” Durdona, 2021.16-bet.
8. <https://www.internetlivestats.com> веб саҳифаси
9. Kayumovich K. O. et al. Directions for improvement digital tourism and tourism info structure in Uzbekistan //Journal of Critical Reviews. – 2020. – Т. 7. – №. 5. – С. 366-369.
10. Navruz-Zoda B. N., Khurramov O. K. The role of information technologies in digital tourism //International scientific review of the problems of economics, finance and management. – 2020. – С. 22-36.
11. Navruz-zoda B. N., Khurramov O. K. Features and opportunities of digital tourism and its development in Uzbekistan //European research: innovation in science, education and technology. – 2020. – С. 22-24.

МУАЛЛИФЛАРГА ЭСЛАТМА

Таҳририятга мақола юборилганда муаллиф қуйидаги қоидаларга риоя қилиши лозим:

- ☞ “Сервис” журнали хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда иқтисодиётга оид мавзусидаги илмий мақолаларни чоп этишга мўлжалланган ОАК томонидан эътироф этилган илмий-амалий нашр бўлганлиги сабабли, таҳририятга тақдим этиладиган мақолалар ҳам бевосита шу соҳага оид илмий изланишларга, тадқиқот натижаларига асосланган бўлиши лозим.
- ☞ Мақолада мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бугунги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари хусусида ўз фикр-мулоҳазалари ифода этилган, аниқ тақлиф ва тавсияларини ўз ичига олган якуний хулосага эга бўлиши керак.
- ☞ Илмий мақоланинг ҳажми жадвал, расмлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан бирга 4 бетдан, қисқа хабарлар 3–4, тақризлар 2 бетдан кам бўлмаслиги, MS Word дастурида Times New Roman 14 шрифтида бир интервал оралиғида расмийлаштирилган бўлиши керак.
- ☞ Мақола ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилган бўлиб, аниқ, раvon ва адабий тилда таҳрир қилинган ва 1 нусхада қоғоз вариантыга муаллифлар имзо чеккан ҳолда электрон версияси билан бирга тақдим этилиши талаб қилинади.
- ☞ Ҳар бир мақоланинг муаллифи, мавзуси, аннотацияси ва калитли сўзлари ўзбек, рус, инглиз тилларида берилган бўлиши шарт.
- ☞ Таҳририят мақолаларни қисқартириш, тўғрилаш ва таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.
- ☞ Фойдаланилган адабиётлар рўйхати амалдаги стандартлар асосида расмийлаштирилган бўлиши лозим.
- ☞ Жадвал, диаграмма ва расмлар ихчам ва тушунарли фақат китоб шаклида ёритилиши, уларнинг тартиб рақами, номи, жадвал маълумотларининг манбаларига ҳаволалар албатта берилиши лозим. Альбом шаклидаги жадвал ва расмлар қабул қилинмайди.
- ☞ **Мақоланинг таркиби:** Мақола муаллифи тўғрисида маълумот, мақоланинг мавзуси, мақола аннотацияси, калит сўзлар, кириш, мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили, таҳлил ва натижалар, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳамда таҳрир қилинган бўлиши шарт.
- ☞ Ушбу талабларга жавоб бермайдиган мақолалар чоп этишга қабул қилинмайди.

“Сервис” журналида эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг ишончлилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгардир.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикрига мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Журналдан кўчириб босилаётган материалларни шу журналдан олинган, деб кўрсатилиши ва албатта ихтибос берилиши шарт.

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

Гувоҳнома № 18-2464

9.09.2022 йилда теришга берилди. 26.09.2022 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,49. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 27/22.

MChJ “NAVRO’Z POLIGRAF” матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳар, Х.Абдуллаев кўчаси, 63-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022